

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 6 ЛОТ 156816

«11» октябрь 2022 й.

Бухоро ш.

“Абдумалик курилиш омад” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Хайриев Н. тимсолида, бир томондан ва (корхона, ташкилот, муассаса номи), Бухоро вилоят «Иссиклик манбаи» ДУК (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Устав асосида иш юритувчи директор Б.Б.Рахимов тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан «Иссиклик манбаи» ДУК козонхонаси ва худудида жойлашган қувурларни тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан мукамал таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 58 150 040 (Эллик саккиз миллион бир юз эллик минг кирк) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **58 150 040 (Эллик саккиз миллион бир юз эллик минг кирк) сўмни ташкил қилади.**
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши: Шартнома умумий суммасидан 15% аванс кўчгандан сўнг.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» декабр 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 58 150 040 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 15 % ёки 8 700 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 49 450 040 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 85 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабрь амалга оширилади.
- 4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси 58 150 040 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорда;

-кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорда;

-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорда;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“Абдумалик курилиш омад” МЧЖ
манзили Бухоро тум. Работ калмок куч

тел\факс +99890 514-29-12

х/р 20208000700484078001

банк номи Инфин банк

Бухоро филиали

МФО 01107 ИНН 303321555

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилоят «Иссиклик манбаи» ДУК
манзили Бухоро ш. И.Каримов куч 27/1уй

тел\факс 223-77-41, 223-27-76

х/р 20210000500309402001

ОКОНХ 90215 ИНН 201 429 115

Ипотека банк Бухоро филиали

МФО: 00088



Рахбар

Н.Хайриев

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)



Директор

Б.Б.Рахимов

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.): _____

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: _____